

**Л.Т.Бобохонова, С.Д.Бектурганова**  
**L.T.Bobokhonova, C.D.Bekturganova**

# **ЎЗБЕКИСТОН** **ВА ЎЗБЕКЛАР**

---

**UZBEKISTAN**  
**AND UZBEKS**

*Ўзбекистон Республикаси Олий  
ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий  
ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида  
тавсия этган*

ТОШКЕНТ  
"ЎЗБЕКИСТОН"  
1996

63.3(SY)

Б 12

Муҳаррир Т. ЖЎРАЕВ

Бобохонова Л. Т., Бектурганова С. Д.

Ўзбекистон ва ўзбеклар /Дарслик//Кириш сўзи А. Ирисқулов-  
ники/.—Т.: Ўзбекистон, 1996,—118 б.

Адабиётлар руйхати: б.1.

Титл. ва инглиз тилида, текст паралл. инглиз. ўзбек тилида.


I. Автордош.

ISBN 5-640-01525-X

Дарслик олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, инглиз тилини ўрганувчиларга жонажон Ватан — Ўзбекистон тарихи, географияси, тили ва аҳолиси, сиёсати, қадимий ва навқирон шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқалар ҳақида маълумот беради, талабаларнинг миллий-маданий дунёқарашини бойитади ҳамда инглиз тилини янада мукамалроқ ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Дарслик етти бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлимда инглиз тилида сўзлашув нутқини ривожлантириш, мустаҳкамлаш бўйича машқлар берилган.

63.3(SY)

№ 729-95  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси



908860

Ў 0503020904—145 96  
М 351 (04) 95

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1996

## СЎЗ БОШИ

Ҳозирги Ўзбекистонга оид ўлкашунослик тавсифидаги материаллар турли ёш ва қарашдаги кишилар учун қизиқарлидир, чунки бундай материаллар орқали ҳар бир китобхон ўзи учун қизиқарли маълумотлардан хабардор бўлиши мумкин. Ёши улуг кишилар воқеалар таҳлили билан танишсалар, ёшлар шу кунгача айтиш тақиқланган тарихий воқеалар, буюк аждодларнинг исм ва ишлари ҳақида маълумотга эга бўладилар. Бундай материаллар, айниқса хорижликлар учун қизиқарлидир, чунки улар бу ўлка, унинг тарихи, маданияти, урф-одати ва анъаналари билан биринчи бор танишадилар. "Ўзбекистон ўлкашунослиги" курсининг олий ўқув юртлари ўқув режасига киритилганлиги тасодифий эмас.

Ушбу дарсликнинг асосий мақсади — ўлкашунослик материаллари асосида талабаларнинг инглизча сўзлашув нутқ малакаларини ривожлантиришдир. Муаллифлар улар инглиз тили грамматик қоидаларни ўзлаштириб олганларидан сўнг, ўз халқлари тарихий, анъаналари ва ҳаёти билан боғлиқ масалаларни инглиз тилида осон муҳокама эта олишларини назарда тутганлар. Шу билан бирга чет элликлар билан мулоқотда, бу мулоқот хоҳ мамлакатимизда бўлсин, хоҳ хорижда бўлсин, республика тўғрисида инглиз тилида сўзлаб бериш лозимлиги назарда тутилган.

Ахир ўз мамлакати, унинг тарихи, маданияти, иқтисоди, тили ва бошқа масалаларига оид гапларга ким ҳам бефарқ қарай олади. Бу борада дарслик китобхонга ўз шахсий фикри, муҳокама этилаётган масалалар бўйича билимини баён этиш учун катта имкониятлар беради.

Дарслик 6 бўлимдан: тарих, география, иқтисод, нуфус, тил, музей-шаҳарлардан иборат. Дарсликнинг биринчи қисми, қисқача матнлар, муҳокама учун саволларни қамраб олган ўқиш китоби, (Reading book) дир. Матнлар муҳокама этилиши лозим бўлган масалани тўлиқ ёритиб бермайди, балки муҳим воқеа, ҳодисаларни ва халқи ҳаётидан лавҳаларни қисқача тавсифлайди, холос, чунки у талабаларнинг мустақил ишлашларини назарда тутди. Бундай мустақил иш жараёнида талабалар шу мавзуга алоқадор материалларни бошқа манбалардан ахтариб топишлари ва уни ўзлаштириб, инглиз тилида ўз сўзлари билан баён қилишлари талаб этилади.

Матн устида мустақил ишлашда ҳар бир мантдан кейин илова этилган саволлар талабаларга катта ёрдам беради. Бу саволлар талабаларнинг мустақил ишлашларинигина эмас, балки уларнинг сўзлашув нутқини ривожлантиришни, уларнинг фикрлаш доираларини кенгайтиришни, дунёқарашларини шакллантиришни назарда тутаяди. Чунки бу саволлар талабаларни воқеа ва ҳодисаларга нисбатан қарашларини, шахсий ҳаётий тажрибаларини намоён этишга ундайди. Бундай ёндашув талабаларга мустақил шахс сифатида шаклланишларида, фикрларини асослашни, нуқтаи назарларини ҳимоя қила билишни ўрганишларида ёрдам беради, талабалар кўп ҳолларда тилни яхши ўрганган, материални яхши ўзлаштирган бўлсаларда, суҳбатдошга эътироз билдириб, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя эта олмайдилар. Тил ўргатишда бу жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Дарсликнинг иккинчи қисми (Work book) да талабалар сўз бойлигини кенгайтиришга мўлжалланган синонимлар, антонимлар, сўз бирикмалари, мақол ва матнлар, сўзларнинг чекланган маъноларини фарқлашни назарда тутувчи машқларни бажаришда лугатлардан фойдаланиш зарур бўлади.

Таржима қилишга мўлжалланган машқларни ўқитувчи ўз талабаларининг билим ҳамда тайёргарлик даражасига кўра мустақил танлаши ёки бошқа материални тавсия этиши мумкин. Аммо тавсия этиладиган бошқа материаллар дарсликдаги машқлар сингари дарсликнинг биринчи қисмидаги мавзу мазмунини бойитадиган бўлиши лозим. Таржима қилишнинг дастлабки босқичларида тайёр таржималар билан ишлаш фойдалидир.

Ўлкашунослик тавсифидаги мазкур дарсликнинг бир неча туркумдан иборат бўлиши назарда тутилган. Қўлингиздаги китоб ана шу туркумнинг биринчисидир. Кейинги туркумлар туб аҳолининг байрамлари, таомлари, тўйлари, кийим-кечаклари, зебу-зийнатлари ва шу каби мавзуларни қамраб олади.

Дарслик материалларини тайёрлашда ўзбек, инглиз, рус тилларидаги турли монографиялар, маълумотномалар, энциклопедиялар, вақтли матбуот нашрларидан манба сифатида фойдаланилди.

# READING BOOK